ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кимё фанлари номзоди, доц. Канглиев Ш.Т.
Ассистент Маназаров Б.Д.

КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БАКАЛАВРЛАРИНИНГ

**«КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА» ФАНИДАН**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТИШ БЎЙИЧА**

# УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент – 2013 й.

Вазирликнинг 9.04.1999 даги №113 буйруғи билан Олий таълим классификаторига янгилик киритилди – барча олий ўқув юртларига ўз соҳалари бўйича педагогик йўналишда кадрлар тайёрлаш имконияти берилди. Бу эса, энг аввало, ҳар бир олий ўқув юрти олдига тегишли соҳалар бўйича фаолият кўрсатаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун педагог кадрлар тайёрлаб бериш вазифасини қўйди.

Ўзбекистон Республикаси хунар-техника таълими концепцияси билим юртларининг ходимлари олдига тайёрланадиган малакали ишчи кадрлар илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизоми ва маданиятини, жамоа олдидаги бурч ҳис туйғуларини тарбиялаш вазифасини қўяди. Бу вазифани бажариш ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиядан фойдалана оладиган юқори малакали ишчиларни ва ишчиларни етиштириш демакдир.

Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда ўқитувчиларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан мутассил фойдалана билишлари, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини татбиқ эта олишлари катта аҳамиятга эга.

Ушбу қўлланма касбий таълим йўналишлари учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашда “Касбий педагогика” фани бўйича уларнинг ўқитиш ва тарбиялашнинг шакллари, таълимнинг методикаси ва воситаларини, уни ташкил этиш йўлларини аниқ белгилаб олишларида ёрдам беради деган умиддамиз.

**Тузувчилар:** ТКТИ “Касб таълими”.кафедраси мудири,
доц. Канглиев Ш.Т.
Ассистент Маназаров Б.Д

**Тақризчилар:** Мардонов Ш. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий – тадқиқот институти етакчи илмий ходими, п.ф.д., проф.

т.ф.н. Хабибуллаев Р.А

Ушбу услубий кўрсатма Тошкент кимё-технология институтининг Илмий-услубий кенгаши, 2013 йил _____ №____-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА


| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Мавзу | Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари. | 5 |
| 2 | Мавзу | Касбий педагогиканинг асосий тушунчалар. | 12 |
| 3 | Мавзу | Касбий педагогика қонуниятлари. | 19 |
| 4 | Мавзу | Касб таълими жараёни. | 27 |
| 5 | Мавзу | Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари. | 33 |
| 6 | Мавзу | Педагогик тадқиқот функциялари ва методлари. | 40 |
| 7 | Мавзу | Касб таълими мазмунини Таълим мазмунини танлаш принциплари. | 45 |
| 8 | Мавзу | Касбий таълим методлари. | 50 |
| 9 | Мавзу | Касбий таълимнинг ташкилий шакллари. | 59 |
| Адабиётлар рўйхати | | | 66 |

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ
# 1-КУРС

| **№** | **Фаннинг бўлим ва мавзуси, амалий машғулот мазмуни** | **Режа бўйича ажратилган соатлар** |
|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари. | 4 |
| 2 | Касбий педагогиканинг асосий тушунчалар. | 4 |
| 3 | Касбий педагогика қонуниятлари. | 4 |
| 4 | Касб таълими жараёни. | 4 |
| 5 | Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари. | 4 |
| 6 | Педагогик тадқиқот функциялари ва методлари. | 4 |
| 7 | Касб таълими мазмунини Таълим мазмунини танлаш принциплари. | 4 |
| 8 | Касбий таълим методлари. | 6 |
| 9 | Касбий таълимнинг ташкилий шакллари. | 4 |
| | Жами | **38** |

## 1-мавзу. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари.

**(ажратилган соат – 4 соат)**

**1-амалий машғулот**

« Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари » **мавзусидаги амалий машғулотни ўтказиш учун услубий ишланма**

*(ажратилган соат – 4 соат)*

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Педагогика профессионального образования. Под.ред.В.А.Сластенина.-Москва. «Академия», 2004 .
2. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов.-М.: «Элит», 2004 .
3. Ў. Толипов., М.Баракаев., Ш.Шарипов. Касбий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2001.
4. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2002.
5. www.inter-pedagogika.ru.

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

| Вақти: 4 соат | Талабалар сони: 30 та |
|---|---|
| **Машғулот шакли** | Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари тушунчалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш |
| **Мавзу режаси** | 1. Касб таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати.<br>2. Ўзбекистон Республикасида касб таълими ислохоти<br>3. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий |

| | |
|---|---|
| | малакавий ўзгаришлар.<br>4. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси. Касбий таълим вазифалари. |
| **Машғулотнинг мақсади:** | Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш |
| **Педагогик вазифалар** | **Ўқув фаолияти натижалари** |
| 1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш;<br>2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш;<br>3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;<br>4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш. | 1. Маъруза ва амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>2. Касб таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабатига оид таъриф ва тушунчалар, жумладан, фан, постулатлар ва аксиомалар, таъриф, илмий қонунлар, фараз, илмий билим ва илмий назария тушунчалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>3. Ўзбекистон Республикасида касб таълими ислохоти бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>4. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси. Касбий таълим вазифалари хақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади; |
| **Ўқитиш усуллари** | **Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кластер” методи.** |
| **Ўқитиш воситалари** | **Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар** |
| **Ўқитиш шакллари** | **Якка тарзда ва жамоада ишлаш** |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | **Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси** |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | **Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари** |

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мезони** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **I. Кириш босқичи. (10 минут)** | 1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади | Тинглайдилар |
| | 2. Машғулотни турли методлар | Тинглайдилар |

| | | |
|---|---|---|
| | асосида амалга ошириш тушунтирилади. | |
| **II. Асосий босқич (60 минут)** | 1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида "Савол-жавоб" усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)<br>2. "Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий таълим педагогикасининг ўрни ва вазифалари" мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади. (2-илова)<br>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда мухокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.<br>4. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий таълим педагогикасининг ўрни ва вазифалари мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади. (3-илова)<br>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.<br>6. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқазади, уларни бахолайди. | Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради<br>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br>Кластер тузадилар.<br><br>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br><br>Кластер тузадилар.<br><br>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br><br>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади. |
| **III. Якуний босқич (10 минут)** | 1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради. | Эшитади, аниқлайди |
| | 2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. | Ёзадилар |

**1-илова**

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳоти қачондан бошланган?
2. Кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар ҳақида фикр билдиринг?
3. Кенг қамровли ва юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
4. Касб таълими вазифаларига нималар киради?
5. Касбий маҳорат нима?
6. Касбий таълимнинг шаклланиш жараёни ҳақида Сизнинг фикрингиз?
7. Касб таълими тизимини ривожлантиришдаги асосий йўналишлар нималардан иборат?
8. Мамлакатимиз иқтисодиётида қандай ўзгаришлар амалга ошириляпти?
9. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимидаги устуворликлар нималар иборат?
10. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақида гапиринг?

**2-илова**

**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий таълим педагогикасининг ўрни ва вазифалари мавзусига “Кластер”**



**(3-илова)**

## Кластер усули

Кластер – инглича сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотларни кластерларга ажратиш у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича таълим олувчиларни эркин ва очиқдан-очиқ фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни дарснинг даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:

- Синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;
- Сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг ("ақлий ҳумуж") ўтказинг;
- Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишини ўрнатинг;
- Эслаган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг;

**Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичида касбий таълим педагогикасининг ўрни ва вазифалари мавзусига “Кластер”**



## 2-мавзу. Касбий таълим педагогикасидаги асосий тушунчалари.

**(ажратилган соат – 4соат)**

**мавзусидаги**
**2-амалий машғулотни**
**ўтказиш учун услубий ишланма**
*(ажратилган соат – 4 соат)*

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Педагогика проф ессионального образования. Под.ред.В.А.Сластенина.- Москва. «Академия», 2004 .
2. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов.-М.: «Элит», 2004 .
3. Ў. Толипов., М.Баракаев., Ш.Шарипов. Касбий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2001.
4. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2002.
5. www.inter-pedagogika.ru.

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

| | |
|---|---|
| Вақти: 4 соат | Талабалар сони: 30 та |
| **Машғулот шакли** | Касбий педагогиканинг асосий тушунчалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш |
| **Мавзу режаси** | 1. Маълумот. Таълим. Инсоннинг ривожланиши. Педагогик фаолият.<br>2. Тарбиянинг обьектив қонунлари. Тарбиянинг асосий қонуни.<br>3. Педагогика принципи. Педагогик тажриба. Мехнат тарбияси.<br>4. Ишчи касбларни гурухлаш асослари. Босқичли ўқитиш назарияси.<br>5. Ишлаб чиқариш таълими даврлари ва тизимлари.<br>6. Ишлаб чиқариш таълимининг предметли тизими ва ўқитиш мазмунини ишлаб чиқиш тамойиллари. |

| **Машғулотнинг мақсади:** | Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш |
|---|---|
| **Педагогик вазифалар** | **Ўқув фаолияти натижалари** |
| 1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш;<br>2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш;<br>3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;<br>4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш. | 1. Маъруза ва амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>2. Маълумот. Таълим. Инсоннинг ривожланиши. Педагогик фаолият тушунчалари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>3. Тарбиянинг обьектив қонунлари. Тарбиянинг асосий қонуни бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>4. Ишлаб чиқариш таълими даврлари ва тизимлари хақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади; |
| **Ўқитиш усуллари** | **Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Синквейн” , “Кластер” методи.** |
| **Ўқитиш воситалари** | **Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар** |
| **Ўқитиш шакллари** | **Якка тарзда ва жамоада ишлаш** |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | **Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси** |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | **Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари** |

## Амалий машғулотининг технологик харитаси

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мезони** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **I. Кириш босқичи. (10 минут)** | 1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади | Тинглайдилар |
| | 2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади | Тинглайдилар |
| **II. Асосий босқич (60 минут)** | 1. Талабаларни машғулот жараёнида-ги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)<br>2. “Касбий таълим педагогикасидаги асосий тушунчалар” терминларидан: маъдумот, таълим тушунчаларига | Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради<br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар<br>Синквейн тузадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | Синквейн тузиш топшириғи берилади. (2-илова)<br>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда мухокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.<br>4. Гуруҳдаги ҳар бир талабага индивидуал тарзда касбий таълим педагогикасидаги асосий тушунчалар мавзусига Кластер тузиш топшириғи берилади (3-илова)<br>5.Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.<br>6. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтказади, уларни бахолайди.. | Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br><br>Кластер тузадилар.<br><br>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади. |
| **III. Якуний босқич (10 минут)** | 1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради. | Эшитади, аниқлайди |
| | 2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. | Ёзадилар |

**1-илова**

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Маълумот нима?
2. Таълим сўзи тушунчаси.
3. Педагогик фаолият деганда нимани тушунасиз?
4. Тарбия қонунлари.
5. Педагогик принципи.
6. Педагогик тажрибани изоҳлаб беринг.
7. Мехнат тарбияси деганда нимани тушунасиз?
8. Босқичли ўқитиш назарияси нима?
9. Ишлаб чиқариш даврлари ва таълим тўғрисида гапириб беринг.
10. Ишлаб чиқариш таълими предметли тизими деганда нимани тушунасиз?

**(2-илова)**

**“Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:
   1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
   2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
   3-қаторда мавзу 3та харакатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
   4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
   5-қаторда мавзуни моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.


1Маълумот.
2Тизимлаштирилган билим.
3Шаклланган дунёқараш мазмуни.
4Ўқитиш жараёни ва унинг натижасидир.
5Тизим.
1Маълумот.
2Мақсадга йўналтирилган.
3Шахс ривожланишини таъминлайди.
4Махсус ташкил этилган тизим.
5Билим.
“Касбий таълим педагогикасидаги асосий тушунчалар”
1Таълим.
2Маълумотларни ўзлаштирувчи.
3Ўқитиш тушунчасини англатади.
4Ушбу жараёнда билим ўзлаштирилади.
5Жараён.
1Таълим.
2Режали, босқичли.
3Билим қобилиятларини ўстиради.
4Тажрибалар алмашиниш жараёни ҳисобланади.
5Ўқитиш.

**(3-илова)**

**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**Касбий таълим педагогикасидаги асосий тушунчалар мавзусига “Кластер”**



## 3-мавзу Касбий педагогика қонуниятлари.

## (ажратилган соат – 4соат)

**мавзусидаги**
**3-амалий машғулотни**
**ўтказиш учун услубий ишланма**
*(ажратилган соат – 4 соат)*

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

6. Педагогика проф ессионального образования. Под.ред.В.А.Сластенина.- Москва. «Академия», 2004 .
7. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов.-М.: «Элит», 2004 .
8. Ў. Толипов., М.Баракаев., Ш.Шарипов. Касбий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2001.
9. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2002.
10. www.inter-pedagogika.ru.

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

| | |
|---|---|
| Вақти: 4 соат | Талабалар сони: 30 та |
| **Машғулот шакли** | Касбий педагогика қонуниятлари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш |
| **Мавзу режаси** | 1. Таълим ва тарбия принциплари.<br>2. Касб таълим жараёнида шахс ривожланишининг педагогик шарт – шароитлари.<br>3. Касбий билиш жараёнининг психологияси |
| **Машғулотнинг мақсади:** | Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш |
| **Педагогик вазифалар** | **Ўқув фаолияти натижалари** |
| 1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш;<br>2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чукур | 1. Маъруза ва амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>2. Таълим ва тарбия принциплари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>3. Касб таълим жараёнида шахс ривожланишининг |

| | |
|---|---|
| ўзлаштириш;<br>3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;<br>4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш. | педагогик шарт – шароитлари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>4. Касбий билиш жараёнининг психологияси бўйича кўникмалар шакллантирилади; |
| **Ўқитиш усуллари** | **Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Тест” , “Кластер” методи.** |
| **Ўқитиш воситалари** | **Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар** |
| **Ўқитиш шакллари** | **Якка тарзда ва жамоада ишлаш** |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | **Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси** |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | **Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари** |

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мезони** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **I. Кириш босқичи. (10 минут)** | 1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади | Тинглайдилар |
| | 2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади | Тинглайдилар |
| **II. Асосий босқич (60 минут)** | 1. Талабаларни машғулот жараёнида-ги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)<br>2. Таълим ва тарбия принциплари мавзуси бўйича тест топшириғи берилади. (2-илова)<br>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда мухокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.<br>4. Гуруҳдаги ҳар бир талабага индивидуал тарзда “Касб таълим жараёнида шахс ривожланишининг педагогик шарт – шароитлари” мавзуси “Шахс ривожида мухитнинг | Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради<br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар<br>“Тест” саволларига жавоб берадилар.<br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар<br>Кластер тузадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | ўрни", "Шахс ривожида таълим – тарбиянинг ўрни" га Кластер тузиш топшириғи берилади (3-илова)<br>5.Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.<br>6. Натижаларни текширади, гуруҳлар-га топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқазади, уларни бахолайди. | Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади. |
| **III. Якуний босқич (10 минут)** | 1. Ишга якун ясайди. Фаол талабалар-ни баҳолаш мезони орқали рағбатлан-тиради. | Эшитади, аниқлайди |
| | 2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. | Ёзадилар |

**1-илова**

### "Савол-жавоб" усулига саволлар намунаси

1. Тарбия санъати нима?
2. Педагогикада тарбия усуллари қайси турларга бўлинади ва уларга таъриф беринг.
3. Форобийнинг тарбия усулларига берган таърифларини айтиб беринг.
4. Баховуддин Нақшбанднинг ориф инсон, ахлоқ – одоб тўғрисидаги таълимотини гапириб беринг.
5. Шахснинг шаклланишида ижтимоий мухитни ўрни қандай?
6. Биологик омилнинг шахс шаклланишидаги ўрни.
7. Таълим ва тарбиянинг инсон шаклланишидаги ўрни.
8. Шахс ривожланишида мухитнинг ўрни.
9. Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни.
10. Ўқитиш жараёнида ташқи фаолият асосида психик жараёнларга таъсир этиш.

**2-илова**

**Мутахассислик фанларида кенг қўлланиладиган тестлар**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1. Очиқ** | **2. Ёпиқ** | **3. Мувофиқликни аниқлаш** | **4. Тўғри кетма-кетликни аниқлаш** |

Очиқ тестлар

Агар таълим олувчи эркин жавоб бера оладиган бўлса, тест топшириғи очиқ деб аталади. Таълим олувчиларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳақда тестга илова қилинган йўлланмада баён этиш керак. Бланканинг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади. Масалан тест тушунчаси ------ йилда ------ томонидан биринчи марта ишлатилган.

Ёпиқ тестлар

Жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ нотўғри бўлади. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Амалиётда бешта жавоби бўлган тестларга жавоб бериш етарли ҳисобланади. мисол: “Тўртинчи ўлчов” деган физика-математика атамаси қайси тушунчага таллуқли?

а) оғирлик б) ҳавога в) вақтга г) тезликка

Савол характеридаги жадваллардан иборат ўхшатмага оид топшириқлар ёпиқ тестни бир варианти бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида битта сўз етишмайди. Келтирилган сўз жавобларидан шу жумлани тўғри тўлдирадиган битта сўзни танлаш лозим.

Мисол: Бошқа давлатларга қарам бўлмаган давлат ------ давлат ҳисобланади: а) ягона; б) тинчликсевар. в) гуллаб-яшнаган. г) мустақил.

Фарқларни аниқлаш учун ёпиқ тестлар

Бешта сўз берилган. Улардан тўрттаси умумий белгиси билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга мос келмайди, уни аниқлаш керак. Фақат битта сўз ортиқча бўлиши мумкин.
Мисол:
а) бориш; б) сакраш; в) рақсга тушиш; г) ўтириш;
Тўртта сўз ҳаракат ҳолатини билдиради. “Ўтириш” сўзи эса анча тинч ҳолатни ифодалаб, бу қатордан тушиб қолади.

Мувофиқлик тестлари

Уларнинг моҳияти бир кўп сонли элементларнинг бошқа кўп сонли элементларга мувофиқлигини аниқлаш заруриятига асосланган. Бу тестлар “мувофиқлик аниқлансин” деган иккита сўздан иборат конструкция асосида тузилиши керак.
Масалан: Билимларни ўзлаштириш ва сифатини назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлари:
а) баҳолашдаги субъективлик; б) имтиҳон олувчининг талаба билан мулоқатда бўла олмаслиги; в) назорат саволини тузишдаги камчиликлар; г) билимларни назорат қилиш, танлаш характерига эга эмаслиги; е) таълим берувчи вақтининг кўп сарфланиши; ж) компьютер қўллашнинг қийинлиги.
(Тўғри жавоб: а, г, е, ж)

Кетма - кетликни тўғрилигини аниқлашга оид тестлар

Улар ҳаракатлар, муҳокамалар, ҳисоб - китобларни эгаллаш, механизмларни йиғиш ва ажратиш кетма-кетлигини текшириш учун қўлланади. Синовдан ўтаётганга тўғри кетма-кетлик аниқлансин деган йўлланма берилади.
Масалан: “Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунини таърифланг”.
а) тўғри пропорционал; б) тескари пропорционал. в) қаршилик. г) қўлланиш.
Тўғри жавоб: 1- б, 2 - г, 3 - а, 4 – в.

1. **“Тарбия санъати – деярли ҳаммага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса, ҳатто осон туюлиш хусусиятига эга, у қанчалар тушунарли ва осон туюлса, ўша инсон у билан назарий ва амалий жиҳатдан шунчалар кам таниш”, - деган эди?**

A) К.Д.Ушинский*
B) Форобий
C) Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд
D) Алишер Навоий
E) Ибн Сино

2. **Педагогикада тарбия бериш усули неча турга бўлинади ?**

A) 1
B) 2*
C) 3
D) 4
E) 5

3. **Тарбиянинг усули деганда ахлоқий фазилатларни тушунади. Ушбу фикр кимга тегишли ?**

A) К.Д.Ушинский
B) Форобий*
C) Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд
D) Алишер Навоий
E) Ибн Сино

4. **У “... инсонда гўзал фазилатлар икки йўл, - яъни таълим ва тарбия йўли билан хосил қилинади. Ушбу қараш қайси алломага тегишли ?**

A) К.Д.Ушинский
B) Форобий*
C) Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд
D) Алишер Навоий
E) Ибн Сино

5. **Тарбиявий қарашлари марказида ориф инсонни шакллантириш ғояси ётади. Ушбу қараш қайси алломага тегишли ?**

A) К.Д.Ушинский
B) Форобий
C) Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд *
D) Алишер Навоий
E) Ибн Сино

**3-илова**

## “Кластер” методи

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эрки, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этад. “Кластер” методи аниқ объектга йўналтиритлмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг иши билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гурух асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларннг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштриш ва улар ўртасидага алоқаларни топиш имкониятини яратади.

“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялар сифатини мухокама қилманг , фақат уларни ёзинг. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агар ақлингизга ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.


"Шахс ривожида мухитнинг ўрни", "Шахс ривожида таълим – тарбиянинг ўрни"

## 4-мавзу. Касб таълими жараёни.

## (ажратилган соат – 4 соат)

**4-амалий машғулот**
«Касб таълими жараёни» **мавзусидаги**
**амалий машғулотни ўтказиш учун услубий ишланма**
*(ажратилган соат – 4 соат)*

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**

1. Педагогика профессионального образования. Под.ред.В.А.Сластенина.-Москва. «Академия», 2004 .
2. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов.-М.: «Элит», 2004 .
3. Ў. Толипов., М.Баракаев., Ш.Шарипов. Касбий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2001.
4. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иқтисодий педагогика. – Т.:ТДИУ, 2002.
5. www.inter-pedagogika.ru.

**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

| | |
|---|---|
| Вақти: 4 соат | Талабалар сони: 30 та |
| **Машғулот шакли** | Касб таълими жараёни бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш |
| **Мавзу режаси** | 1. Педагогик жараён мохияти ва тузилмаси. Касбий таълим тамойиллари.<br>2. Педагогик жарённи лойихалаш. Педагогик лойихалари тушунчаси.<br>3. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Шахсий малакавий билимларни ўзлаштириш жараёни<br>4. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони. |
| **Машғулотнинг мақсади:** | Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш |
| **Педагогик вазифалар** | **Ўқув фаолияти натижалари** |
| 1. Мавзуни мустақил | 1. Маъруза ва амалий машғулот режалари |

| | |
|---|---|
| ўрганиш учун асос яратиш;<br>1. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш;<br>1. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;<br>1. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш. | билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>2. Педагогик жараён мохияти ва тузилмаси. Касбий таълим тамойиллари бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>3. Педагогик жарённи лойихалаш. Педагогик лойихалари тушунчаси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>4. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони хақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади; |
| **Ўқитиш усуллари** | **Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “ФСМУ” “Кластер” методи.** |
| **Ўқитиш воситалари** | **Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар** |
| **Ўқитиш шакллари** | **Якка тарзда ва жамоада ишлаш** |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | **Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси** |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | **Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари** |

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мезони** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **I. Кириш босқичи. (10 минут)** | 1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади | Тинглайдилар |
| | 2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади. | Тинглайдилар |
| **II. Асосий босқич (60 минут)** | 2. Талабаларни машғулот жараёнида-ги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)<br>2. “Касб таълими жараёни” мавзусига ФСМУ тузиш таклиф этилади. (2-илова)<br>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда мухокама қилинади, диққатларини асосий | Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради<br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар<br>ФСМУ жадвалини тўлдирадилар.<br><br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар |

| | | |
|---|---|---|
| | нуқталарга жалб этилади.<br>4. Касб таълими жараёни мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади.<br>(3-илова)<br>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.<br>6. Натижаларни текширади, гуруҳлар-га топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқазади, уларни бахолайди. | Кластер тузадилар.<br><br>Тинглайдилар ва топши-риқни бажарадилар<br><br>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади. |
| **III. Якуний босқич (10 минут)** | 1. Ишга якун ясайди. Фаол талабалар-ни баҳолаш мезони орқали рағбатлан-тиради. | Эшитади, аниқлайди |
| | 2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. | Ёзадилар |

**1-илова**

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Педагогик жараённинг моҳияти ва тузилиши нимадан иборат?
2. Талабаларнинг ўқув фаолияти қандай ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади?
3. Педагогик технологияда шахсий мўлжаллаш деганда Сиз нимани тушунсиз?
4. Касбий таълимнинг самарадорлик мезонига нималар киради?
5. Пеагогик лойиҳалаш – бу нима?
6. Мониторинг деганда нимани тушунасиз?
7. Таълим технологиясига нималар киради?
8. Меҳнат маданияти тушунчасини асослаб беринг?
9. Касбий таълимнинг тамойиллари ҳақида фикр билдиринг?
10. Компьютерлаштирилган педагогик жараён тамойилига мисоллар келтиринг?

**2-илова**

# ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## ТРЕНИНГ ХАҚИДА ТУШУНЧА.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс - мунозаралар ўтказиш ёки ўқув - семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари хақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларии ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фиклаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан каторда ўкитувчи талабаларни, ўкув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, кай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларнн баҳслашиш маданиятига ўргагади.

## МАҚСАД.

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

## ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ:

**1.** Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади.

- Ф-фикрингизни баён этинг
- С-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
- М-кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг
- У-фикрингизни умумлаштиринг

**2.** Тингловчилар билан баҳс мавзусини ёки муаммони белгилаб олинг.

**3.** Кичик гуруҳларга бўлинг ва уларга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатинг.

**4.** Кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларини катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 та босқич бўйича ёзишларини таклиф этинг.

**5.** Кичик гуруҳлардан ёзган фикрларини ўқиб химоя қилишларини сўранг.

Тренер - ўқитувчи томонидан муаммо бўйича фикрлар умумлаштирилади

**Касб таълими жараёни мавзусига “ФСМУ”**

| | |
|---|---|
| **ФИКР** | - таълим бошқариладиган жараён бўлиб, унинг натижаси, кўп жиҳатдан тайёрланган дидактик моҳиятга боғлиқ. |
| **САБАБ** | - дидактик лоёиҳа таълим соҳасининг махсулидир. Талабаларнинг билиш фаолиятини дидактик лоёиҳага кўра бошқариш таълим технологиясининг педагогик асоси саналади. |
| **МИСОЛ** | - мақсаддан эталонга етиб келгунча ўқитиувчи (педагог) ва талаба онги жуда кўп ҳодисалар билан учрашади. Ўқув-тарбия жараёнининг умумий ва хусусий мақсадларини тахлил қилади. |
| **УМУМЛАШТИРИШ** | - таълимни дидактик лойиҳалаш, лойиҳани амалга ошириш таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳа тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш, тегишли такрорлаш ва якуний назоратдан иборатдир. |

**3-илова**

**Кластер усули**

Кластер – инглича сўз бўлиб, ғунча, боғлам маъносини англатади. Ахборотларни кластерларга ажратиш у кўп вариантли фикрлашни, ўрганилаётган тушунчалар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича таълим олувчиларни эркин ва очиқдан-очиқ фикрлашига ёрдам беради. Кластерларга ажратишни дарснинг даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Кластер тузиш кетма-кетлиги қуйидагича:

- Синф ёзув тахтаси ўртасига катта қоғоз варағига асосий сўз ёки гапни ёзинг;
- Сизни фикрингизча бу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг (“ақлий ҳумуж”) ўтказинг;
- Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишини ўрнатинг;
- Эслаган вариантларингизнинг ҳаммасини ёзинг;

**Касб таълими жараёни мавзусига “Кластер”**



## 5-мавзу. Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари.

**(ажратилган соат – 4 соат)**

« Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари» **мавзусидаги**
**5-амалий машғулотни**
**ўтказиш учун услубий ишланма**
*(ажратилган соат – 4 соат)*

**Ишлаш учун бошланғич материаллар:**

- фан бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар.
- Маъруза конспекти;
- Амалий машғулот дафтари

**Машғулотнинг услубий таъминоти:**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1997.
2. Қодиров Б. «Таълим тизимидаги ислоҳотлар мақсад ва йўналишлар». Т.: «Ўзбекистон» - 2000.
3. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.
4. Тожиев., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т.: 2001.
5. Фарберман Б.Л. Прогрессивние педагогические технологии. – Т.: 1999.
6. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б.Ю., Баубекова Г.Д., Тилабова Н.Т. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан», 2002.
7. www.bilimdon uz. -Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим
8. вазирлигининг веб сайти.
9. www.de.uz- Масофавий таълим тизимига бағишланган веб сайт.


**Ушбу мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:**

| Вақти: 4 соат | Талабалар сони: 30 та |
|---|---|
| **Машғулот шакли** | Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари бўйича эгалланган назарий билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш |
| **Мавзу режаси** | 1. Таълим технологияси ва унинг тузилиши<br>2. Касб таълимида ахборот технологиялари<br>3. Муаммоли таълим технологияси ва унинг мақсади, вазифаси<br>4. Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик |

| | |
|---|---|
| | технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати |
| **Машғулотнинг мақсади:** | Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш |
| **Педагогик вазифалар** | **Ўқув фаолияти натижалари** |
| 1. Мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратиш;<br>2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш;<br>3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш;<br>4 Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш. | 1. Маъруза ва амалий машғулот режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради;<br>2. Таълим технологияси ва унинг тузилиши бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>3. Касб таълимида ахборот технологиялари тушунчаси бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади;<br>4. Муаммоли таълим технологияси ва унинг мақсади, вазифаси ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади; |
| **Ўқитиш усуллари** | **Амалий мазмундаги топшириқлар, “Савол-жавоб”, “Кластер”, “ФСМУ” методи.** |
| **Ўқитиш воситалари** | **Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар** |
| **Ўқитиш шакллари** | **Якка тарзда ва жамоада ишлаш** |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | **Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси** |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | **Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари** |

**Амалий машғулотининг технологик харитаси**

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мезони** | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчи** | **Талаба** |
| **I. Кириш босқичи. (10 минут)** | 1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади | Тинглайдилар |
| | 2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади. | Тинглайдилар |
| **II. Асосий босқич** | 3. Талабаларни машғулот жараёнида-ги фаоллигини ошириш мақсадида | Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради |

| | | |
|---|---|---|
| **(60 минут)** | “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)<br>2. Муаммоли таълим технологияси мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади. (2-илова)<br>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда мухокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.<br>4. “Таълим технологияси” мавзусига ФСМУ тузиш таклиф этилади. (3-илова)<br>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.<br>6. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқазади, уларни бахолайди. | Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br>Кластер тузадилар.<br>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br>ФСМУ жадвалини тўлдирадилар.<br>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар<br>Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади. |
| **III. Якуний босқич (10 минут)** | 1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради. | Эшитади, аниқлайди |
| | 2. Мустақил ишлаш учун топширик беради. | Ёзадилар |

**1-илова**

**“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси**

1. Бугунги кунда таълим тизимидаги янгиликлар ҳақида гапиринг?
2. Таълим технологияси ва унинг ривожланиши ҳақида фикр билдиринг?
3. Таълимда технологик ёндашиш вариантлари деганда нимани тушундингиз?
4. Ахборот технологияларига нималар киради?
5. Ривожланган жамиятда ахборот технологияларининг ўрни қандай?
6. Педагогик технологияга берилган таърифларни изоҳланг.
7. Муаммоли таълим технологияси ҳақида фикр билдиринг?
8. Модулли таълим технологиясига мисол келтиринг?

9. “Рейтинг”, “Технология”, “Инновация” тушунчаларини изоҳланг?
10. “Интернет”, “Электрон почта”, “Мультимедия” га мисоллар келтиринг?

**2-илова**

## “Кластер” методи

